

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ  
ХУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**48** Чет тиллар ўқитувчиларининг базавий лавозим маошларига ойлик устама белгилаш учун тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил  
28 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2520-1*

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 сентябрдаги 490-сон қарори билан тасдиқланган Таълим муассасаларининг қўшимча тўловлар белгиланган педагог ходимлари лавозимлари рўйхати, маскур тўловларнинг турлари ва миқдорларининг 3-бандига асосан **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.*

тест маркази директорининг 2013 йил 10 октябрдаги 01-339-сон буйруғи (рўйхат рақами 2520, 2013 йил 31 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 44-сон, 582-модда) билан тасдиқланган Чет тиллар ўқитувчиларининг базавий лавозим маошларига ойлик устама белгилаш учун тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Директор**

**Ж. ИСМАИЛОВ**

Тошкент ш.,  
2015 йил 19 январь,  
01-15-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат  
тест маркази директорининг 2015 йил  
19 январдаги 01-15-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Чет тиллар ўқитувчиларининг базавий лавозим маошларига  
ойлик устама белгилаш учун тест синовларини ўтказиш  
тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган  
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-банд қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Тест синовларида иштирок этиш ихтиёрий бўлиб, ўқитувчининг истагига кўра амалга оширилади.

Давлат тест маркази томонидан бериладиган Чет тилини билиш даражаси тўғрисидаги малака сертификати бўйича C1 даражасига, IELTS (International English Language Testing System) сертификати бўйича 7,0 балл ва ундан юқори баллга, TOEFL (Test of English as a Foreign Language) (IBT) сертификати бўйича 110 балл ва ундан юқори баллга, Test DaF (Test Deutsch als Fremdsprache für auslândische Studienbewerber), GOETHE-ZERTIFIKAT, DALF (Diplome approfondi de langue française), DELE (Diplomas de Espanol como Lengua Extranjera) сертификатлари бўйича C1 даражасига эга бўлган ўқитувчилар мазкур ҳужжатларнинг амал қилиш муддати давомида тест синовидан ўтишлари талаб этилмайди.».

2. 4-бандда:

учинчи хатбошидаги «75» деган рақам «60» деган рақам билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

олтинчи ва еттинчи хатбошилар тегишлича бешинчи ва олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

олтинчи хатбошидаги «45» деган рақам «60» деган рақам билан алмаштирилсин.

3. 6-банд «орқали» деган сўздан кейин «хар йили апрель ва ноябрь ойларида» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

4. 12-банддаги «муассасаларининг ходимлари шартнома асосида» деган сўзлар «тизимидан мутахассислар Давлат тест маркази вакили,» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 14-банднинг иккинчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин: «Тест синовларига узрли сабабларга кўра (касаллиги, хизмат сафарида бўлганлиги ва ҳ. к.) келмаган ўқитувчилар узрли сабаб юз берганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этган тақдирда, тест синовларини топшириш учун тўлов ундирилмаган ҳолда умумий асосларда қайта мурожаат қилишлари мумкин.»

6. 16-банддаги «чет тилини ўқитиш методикаси,» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

7. 18-банддаги «3» деган рақам «бир» деган сўз билан алмаштирилсин.

8. 20-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«20. Тинглаб тушуниш, ўқиш, лексик ва грамматик компетенциялар бўлимларидан ихтиёрий бири бўйича белгиланган максимал баллнинг 40 фоизидан кам балл тўплаган ўқитувчининг ёзма иши текширилмайди, ёзма иши текширилмаган ёки ёзиш бўлими бўйича белгиланган максимал баллнинг 50 фоизидан кам балл тўплаган ўқитувчи тест синовининг 2-босқичига қўйилмайди.»

9. 23-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Гапириш бўлими бўйича тест синовлари ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ичида барча бўлимлар бўйича тест синови натижалари Давлат тест марказининг расмий сайтида эълон қилинади.»

10. 24 ва 25-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«24. Тест синовидан муваффақиятли ўтган ўқитувчиларга мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда махсус рақамланган бланкада расмийлаштириладиган Чет тилидан малака ва уни билиш даражаси бўйича тест синовидан ўтганлик ҳақида маълумотнома берилади. Маълумотномалар тест синови натижаси эълон қилинган кундан бошлаб ўн кун ичида Давлат тест маркази томонидан таълимни бошқариш бўйича махсус ваколат берилган давлат органларига ёки ўқитувчининг ўзига берилади.

25. Чет тилидан малака ва уни билиш даражаси бўйича тест синовидан ўтганлик ҳақида маълумотноманинг ҳақиқийлиги унда кўрсатилган ўқитувчининг махсус коди ёрдамида Давлат тест марказининг расмий сайти орқали текширилиши мумкин.

Маълумотнома барча турдаги таълим муассасалари учун бир хил кучга эга.»

11. 26-банд қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Апелляция шикоятини ёзиш учун ўқитувчига тест материаллари (саволлар китобининг асли, жавоблар варақасининг нусхаси, ўқитувчи томонидан белгиланган нотўғри жавоблар рўйхати, ёзма ишнинг нусхаси, гапи-

риш бўлими бўйича берилган саволлар) берилади. Апелляция шикоятда ўқитувчи аниқ асосланган эътирозларини кўрсатиши лозим.

Тест синовларини ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича мазкур Низомда белгиланган тартибни бузиш ҳолатлари юзасидан апелляция шикояти тест синовининг тегишли босқичи ўтказилган куни берилиши лозим.».

12. 29-бандда:

«ҳамда чет тилини ўқитиш методикаси» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

«50» деган рақам «40» деган рақам билан алмаштирилсин.

13. 30-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«30. Тест синовларининг тинглаб тушуниш, ўқиш, лексик ва грамматик компетенциялар бўлимларининг ҳар биридан белгиланган максимал баллнинг камида 40 фоизини, гапириш ва ёзиш бўлимларининг ҳар биридан белгиланган максимал баллнинг камида 50 фоизини тўплаган ўқитувчилар тест синовларидан муваффақиятли ўтган деб ҳисобланади.

Ўқитувчининг Давлат тест маркази томонидан бериладиган Чет тилини билиш даражаси тўғрисидаги малака сертификати бўйича C1 даражасига, IELTS (International English Language Testing System) сертификати бўйича 7,0 балл ва ундан юқори баллга, TOEFL (Test of English as a Foreign Language) (IBT) сертификати бўйича 110 балл ва ундан юқори баллга, Test DaF (Test Deutsch als Fremdsprache für ausländische Studienbewerber), GOETHE-ZERTIFIKAT, DALF (Diplome approfondi de langue française), DELE (Diplomas de Español como Lengua Extranjera) сертификатлари бўйича C1 даражасига эга эканлигини тасдиқловчи ҳужжати Чет тилидан малака ва уни билиш даражаси бўйича тест синовидан ўтганлик ҳақида маълумотнома ўрнида қабул қилинади.».

14. 33-банд «ўтмаган» деган сўздан кейин «ёки тестда иштирок этиш учун ариза бериб, тест синовида узрсиз сабабларга кўра қатнашмаган ёхуд тест синовига кечикиб келган ҳамда тест синовидан четлаштирилган» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

15. 35-банд «бекор қилиш» деган сўзлардан кейин «ёки бошқа интизомий жазо чораси қўллаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

16. 3-илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг иловасига мувофиқ шаклда баён этилсин.

17. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим маркази, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишилган.

*Олий ва ўрта махсус  
таълим вазири*

**А. ВАҲОБОВ**

*2015 йил 19 январь*

48-модда

— 18 —

4 (660)-сон

*Халқ таълими вазири*

*У. ИНОЯТОВ*

*2015 йил 19 январь*

*Ўрта махсус, касб-ҳунар  
таълим маркази директори*

*У. САЛИМОВ*

*2015 йил 19 январь*

*Молия вазири*

*Р. АЗИМОВ*

*2015 йил 19 январь*

*Иқтисодиёт вазири*

*Г. САИДОВА*

*2015 йил 19 январь*

*Меҳнат ва аҳолини ижтимоий  
муҳофаза қилиш вазири*

*А. АБДУХАКИМОВ*

*2015 йил 19 январь*

Чет тиллар ўқитувчиларининг базавий лавозим маошларига ойлик устама белгилаш учун тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга  
ИЛОВА

«Чет тиллар ўқитувчиларининг базавий лавозим маошларига ойлик устама белгилаш учун тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга  
3-ИЛОВА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ  
ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ТЕСТ  
МАРКАЗИ**

**Чет тилидан малака ва уни билиш даражаси бўйича  
тест синовидан ўтганлик ҳақида  
МАЪЛУМОТНОМА**

Маълумотнома рақами		Чет тили	
Ўқитувчининг махсус коди			
Фамилияси			
Исми			
Отасининг исми			
Иш жойи			

Тест синови натижалари	Тинглаб тушуниш	Ўқиш	Лексик ва грамматик компетенциялар	Ёзиш	Гапириш
балл					
%					

Берилган сана		Амал қилиш муддати	
---------------	--	--------------------	--

Директор

(имзо)

(Ф.И.О.)».

М.Ў.